

САВДО ВА БАДИИЙ КЎРГАЗМАЛАРНИНГ ВИТРИНАЛАРИ

Бадиий лойиҳалаш бўйича курс лойиҳаси учун
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

Рухсат бераман

Ўқув ишлари проректори
профессор Соатов У.О.

_____ 2008 г.

Тасдиқланди

СамДАҚИ илмий – услубий
кенгашининг «Услубий адаби-
ётлар чоп этиш» бўлими
Протокол № _____ 2008 г.

Услубий қўлланмада витриналарни лойиҳалаш ва бадиий
ечимини топишга кўрсатмалар берилган.

Услубий қўлланма 2 босқич 5210900 «Дизайн–бакалавр» му-
тахассислиги талабаларига «Савдо ва бадиий кўргазмаларнинг
витриналарини бадиий лойиҳалаш» бўйича курс лойиҳаси бажа-
риш учун мўлжалланган.

Тузувчилар: катта ўқитувчи ТУГИЗОВ Ш.Х.

катта ўқитувчи УРУНОВА Н.Х.

ВИТРИНА ЛОЙИХАСИ

Ушбу «Витрина лойиҳаси» бир-бирига мантиқан ва узвий боғланган топшириқларнинг давоми ҳисобланади. Сабаби, бунгача бажарилган курс лойиҳаларида талабалар нисбатан умумлашган геометрик формалар ва ҳажмлар, уларнинг ўзаро мутаносиб бирикмалари устида фикр юритишади. Курс лойиҳасининг мақсади талабаларга бино ичкарасида предметли-фазовий муҳит яратиш, модуллардан композиция тузиш, бадиий образ яратиш қоидаларини ўргатиш, уларга бу қоидаларни лойиҳалаш жараёнига самарали қўллаш кўникмаларини сингдиришдан иборат.

Лойиҳалаш тўрт асосий босқичда амалга оширилади:

- тайёрлаш босқичи;
- ижодий изланиш босқичи;
- ижодий ишлаш ва такомиллаштириш босқичи;
- якуний босқич.

Тайёрланиш босқичида талабалар лойиҳа учун танланган мавзуга биноан топшириқ дастурини ўрганишлари, ўқитувчи таклиф этган махсус адабиётлар, услубий қўлланма ва кўрсатмалар, кафедра фондидаги намунали лойиҳалар ва макетларни кўриб чиқиши, зарур ҳолларда улардан намуналар олиши ва график материаллар йиғиши лозим. Мавзу бўйича йиғилган материалларни ўрганиш, бир-бирига қиёслаш ва таҳлил қилиш зарур.

Ижодий изланиш босқичи талабаларнинг тайёрланиш босқичида тўплаган материалларига, эгаллаган билим ва тушунчаларига асосланади. Бу босқичда асосий эътибор мавзунинг меъморий ечимини излаш ва ғоясини яратишга қаратилади.

Ижодий изланиш ва такомиллаштириш босқичида дастлабки эскиздаги камчиликлар бартараф этилиб, эскиз ривожлантирилиб лойиҳа ҳолига келтирилади. Композиция яхлитлиги ва қисмлар орасидаги мутаносибликлар, масштаб依лик, бўлиниш-

лар ва ритмлар аниқланади. Бу босқичда талабалар муайян масштабда ва таркибда тайёрланган лойиҳа чизмаларини қоғоз тортилган тахта (планшет)га жойлаштириш ва лойиҳани оққа кўчириш устида ишлайдилар. Якуний босқичда ўқув лойиҳасига якун ясалади. Лойиҳага у ёки бу график усулда ишлов берилади. Тугалланган лойиҳалар кўргазмага қўйилади, профессор-ўқитувчилардан тузилган комиссия томонидан баҳоланади.

ВИТРИНА

Витринали намойиш бу - кўргазма ишининг ихтисослашган тармоғидир. Улар бир қарашдаёқ, кўргазма характерини очиб бермоғи, кўргазмани янада жозибадор кўрсатмоғи лозим. Кўргазма витринасидаги экспонат намойиш қилинаётган товар сифати ва у тўғрисида тўлиқ маълумот беришга мўлжалланмоғи керак. Витринада барча товарлар ассортиментини жойлаштириб, томошабинда кўргазма бадий образи ҳақида тушунча пайдо бўлади деб ўйлаш нотўғри. Бадий самара яратиш – бу ижодий жараёндир. Уйланган эскиз, композиция, фон ва ёруғлик экспонатни таништиришдаги муҳим зарурий шартлар ҳисобланади.

Витриналар кўргазмаси архитектуравий фазо ва нарсалар муҳитининг пластик жозибадорлигини оширишга чексиз имконият яратади. Улар алоҳида эмоционал муҳит ташкил этади, экспонатлар ноёблиги ва аҳамиятини таъкидлайди. Декоратив самаранинг ранг-баранглигини ошириш имконини беради.

Витринани безатишда унинг умумий характери ва услубини эса лойиҳачи дизайнер аниқлайди.

Кўргазма ва ярмарка витриналари вазифаси бўйича нуфузли ва савдо витриналарига бўлинади. Нуфузли витриналар маълум ишлаб чиқариш тармоғи, фирма ёки ташкилот имкониятлари тўғрисида маълумот беришга мўлжалланади. Бу витриналарда янги ва кенг кўламдаги товарларга эътибор қаратилади. Савдо витриналари эса аниқ товар ташвиқотига асосланиб, тижорат натижаси учун мўлжалланади.

Витринали безатишда оқилона ва эмоционал яхитликлка, сюжет (мазмун) ва композиция боғлиқлигига эътибор бермоқ лозим. Бунинг учун дизайнер ўзининг образли тафаккури (фикри) ва техник усуллари ривожлантириши зарур.

Витрина композицияси ўзида саноат дизайни ва русум (мода) ривожини ўқитиши тасвирлаши лозим. Кенг истеъмол товарлари русуми ҳар сафар янгитдан яратилмайди. Балки олдин мавжуд бўлган ривожланиш принциплари асосида, янги бадиий-колористик ечимлар орқали бойитилади.

Савдо ва кўргазма соҳасида кенг тарқалган ва кўп қўлланиладиган ташвиқот воситалари ойнали витриналардир. Витрина бу магазин юзи. Харидор витрина экспозицияси орқали товарлар ассортиментини, келтирилган, янги товарлар билан танишади. Кийимлар янги модели ва фасонлари, пойафзаллар, бош кийимлари, тақинчоқлар ва бошқа товарлар кўргазмаси одамларда яхши дидни ўстиришга хизмат қилади. Витрина русум ўзгариши, байрамлар, мавсум яқинлашиши муносабати билан қайси товарларни сотиб олиш кераклигини эслатиб туради.


Витриналардан савдо соҳасида ривожланган замонавий хизмат кўрсатиш ва қўшимча хизмат турларини ташвиқот қилишда унумли фойдаланиш мумкин. Юксак бадиий даражада дид билан безатилган, кечки вақтларда чиройли ёритилган витриналар шаҳар безагининг ажралмас элементларидан ҳисобланади.

Витриналар одатда қуйидаги тартибда классификацияланади:

- товар белгилари бўйича;
- безатиш характери бўйича;
- безатиш техник воситалари бўйича;
- жойлашиш ўрнига қараб.

Товар белгилари бўйича витриналар

- **тор ихтисослашган витриналарда** фақат бир турдаги товар ташвиқот қилинади. Масалан, аёллар пойафзаллари, атир упалар, соатлар, тақинчоқлар ва бошқалар. Бу витриналар яхши реклама таъсирчанлиги билан характерланади. Улар асосан йирик ихтисослашган савдо дўконларида қўлланилади.



- **ихтисослашган витриналар** бир гуруҳдаги товарлар намойишига мўлжалланган. Масалан: тайёр кўйлақлар, галантерея, кондитер маҳсулотлари, электр асбоблари ва уларга қўшимча қисмлар ва ҳоказо. Бундай витриналардан кундалик эҳтиёж моллари, ихтисослашган савдо дўконларида фойдаланилади.






- комбинациялаб тузилган (комбинированные) витриналар эҳтиёжи ва ишлатилиши жиҳатидан боғлиқ бўлган бир неча товар гуруҳларини намоиш қилади. Бунда асосий ассортиментга ҳамроҳ товарларга ҳам кенг ўрин берилиб, ишлатилиши жиҳатидан чамбарчас боғлиқ маҳсулотлар комплекс намоиши уюштирилади. Комбинациялаб тузилган витриналар бирор бир мақсадда маълум категориядаги харидорлар учун мўлжалланади. Масалан «Ҳамма нарса ўқувчилар учун»: «Ҳамма нарса рўзғор учун» ва ҳоказо.





- аралаш товарлар витринасида ҳар хил тур (гуруҳ)даги товарлар ўрин эгаллайди. Улар кундалик эҳтиёж моллари дўкони, кичик ва шахсий дўконларда ўрнатилиши мумкин. Бу турдаги витриналар мосламалари ва қурилмалари мурабаблиги жиҳатидан архитектор-дизайнердан катта маҳорат талаб этади.




Безатиш характери бўйича витриналар

- **товар витриналарининг асосий элементи** товар ҳисобла-
ниб бошқа безак воситалари қўлланилмайди. Товар витринаси
қурилмалари содда ва оддий кўринишга эга. Бу витриналар
ҳамиша ҳам кўзланган талаб даражасида муаффақиятга эриш-
майди. Сабаби бир хил товарлар қатори кишиларни ўзига жалб
этолмайди. Товар витриналари майда дўконларда кичик ўлчам-
ларда бажарилади.



- **товар декоратив витриналари** — ҳозирда кенг тарқалган.
Уларда товар билан биргаликда декоратив элементлар қўллани-
либ товар характерли хусусиятлари ва хоссаларини кўрсатишга
ҳаракат қилинади. Бу витриналар кўпроқ жозибадорлик ва ама-
лийликка эга. Улардан катта ва кичик дўконларда фойдаланиш
мумкин.





- **сюжетли витриналар** - бирор-бир мавзу, кичик жанрли сахна орқали ташвиқотни кучайтириш мақсадида уюштирилади. Масалан баҳор яқинлашаётганини кушлар учиб келишига асосланиб тасвирланади. Спорт ва овчилик товарларининг спорт майдонида, ов шароитида, балиқ овида, тасвирланиши юқори ташвиқот натижасига эришишга имкон беради. Сюжетли витриналар баъзан ҳазил (юмор) характерида бўлиши ҳам мумкин.



- **Мавзули витриналар** – аниқ бир мавзу (Янги йил байрами, 8-март байрами, Болалар куни ва ҳоказо) га бағишлаб бажарилади. Бу витриналар кўпинча йирик дўконларда декоратив элементлар иштирокида уюштирилади.



Безатиш техник воситалари бўйича витриналар


- ҳаракатсиз асбоб ускуналари
- ҳаракатли (динамик) ускуна ҳаракатли қисмлари.
- овозли

-**комбинацияланган** яъни ҳар хил принциплари ускуналар му-
жассамлашган. Масалан овоз билан ҳаракат биргаликда.

Ҳаракатли витриналар ўрнатилиши жиҳатидан мураккаб ва катта маблағларни талаб қилади. Шу билан биргаликда улар кўпчилик мухлисларни жалб этиши билан ажратиб туради. Агар ускуналар оригиналлиги товарга ҳалақит қилмайдиган даражада бўлса, юксак ташвиқот таъсирига эришилади.

Жойлашиш ўрнига қараб витриналар

Ойна витриналар (дўконлар фасадида жойлашади, ўлчами жиҳатидан дўкон фасадини тўлиқ эгаллайди).



- ичкаридаги витриналар (савдо залида жойлашади, интерьерда ташкил этилади).



- **чиқарилган витриналар** (жамоат жойлари, кўчалар, майдонларда ўрнатилади. Бу витриналар баъзида бевосита дўконлар олдида ўрнатилиши мумкин) га бўлинади.

ВИТРИНА КОМПОЗИЦИЯСИ

Товар ва декоратив элементларни ўзаро уйғунликда жойлаштирган ҳолда моҳирона топилган композиция витрина яратишда юқори даражадаги асосий бадиий омил ҳисобланади.

Витринани безашда дизайнер-рассомдан товар ва декоратив элементларни композицион гуруҳлашда асосий принципларда амал қилиш талаб этилади. Булар мувозанат, барқарорлик (турганлик) ва ритмдир.

Мувозанат принципи деб - витринада қўйилаётган товарлардан марказий гуруҳ ажратилиб, унинг атрофида бир маромда қолган товарлар жойлаштирилишига айтилади. Мувозанатнинг оддий кўриниши ўртадан икки томонга товарларнинг ташқи кўриниши ва ҳажмига қараб симметрик жойлаштириб чиқиш мисол бўла олади. Одатда симметрик композицияга ҳамиша эришиш мумкин. Витринада мустаҳкам ва аниқ тартиб ўрнатилади. Бироқ бундай композиция бир хилликка, витринани зерикарли кўринишига олиб келади. Ифодали безатишнинг имкониятларини чеклаб қўйади. Шу сабабдан товарлар симметрик композицияси кам қўлланилади.

Амалиётда ижодий гоёнинг мазмунини очиб берувчи асимметрик мувозанат принципи кенг тарқалган.

Ассиметрик композиция чексиз безатиш вариантларини яратишга имкон беради. Статик характердаги симметрик қурилган композицияга қарама-қарши ўлароқ асимметрик композицияли витриналар динамик бўлиб ундаги товарлар эътиборни ўзига кўпроқ жалб этади.

Витрина композицияси витрина чуқурлигига қараб ясси ва муҳитли бўлиши мумкин. Агар витрина муҳити чуқурлигидан фойдаланиш имкони бўлмаса, товарлар «фронт» бўйлаб, бир те-

кисликда жойлаштирилади. Витринада товарлар силуэтли кўри-ниш олади.

Витрина муҳити учун чуқурлик етарли (0,8-1,2 м ва ундан кўп) ҳолларда товарларни бир неча планларда жойлаштириш, мумкин бўлади.

Кўпинча амалиётда товарларни осилган ҳолатда жойлашти-риш усули ҳам қўлланилади. Бунда кўзга ташланмайдиган ка-прон иплардан фойдаланилади.

Витринада кўргазмага қўйилган товарлар харидорда барқа-рорлик ҳиссини уйғотиши керак. Бунга кўргазма асосини юқори қисмига нисбатан кенгроқ жойлаштириш орқали эришилади. Товарларни пирамида шаклида жойлаштириш орқали эришила-ди. Товарларни пирамида шаклида жойлаштириш барқарорликка мисол бўла олади. Витрина композицияси витрина барқарор-ликка нисбатан оғир нарсаларни пастда шакли жихатидан нозик ва енгил товарларни юқорида жойлаштириш орқали ҳам эри-шиш мумкин.

Товарлар жойлашиши маълум тартибда алмашиш, кайтари-лиш-ритмга асосланиши керак. Бу усулдан кичик ўлчамдаги маҳсулотлар, масалан, тугмалар, атирлар, ручкалар, пичоқлар, вилкалар ва шу кабиларни жойлаштиришда фойдаланилади. То-варлар маълум интервалда бир маромда, яъни ритмик жой-лаштирилганда харидорларни кўпроқ ўзига жалб этади. Ранглар доғи (пятно) такрорланиши орқали ҳам витрина кўргазмасида ритмга эришиш мумкин.

Кўргазмадаги товарлар гуруҳи витрина умумий ўлчамлари ва муҳитига нисбатан ўзаро пропорционал бўлиши лозим. Йирик ва майда нарсаларни ёнма-ён жойлаштириш ман этилади. Витрина кўргазмаси пропорционаллиги рангга нисбатан ҳам татбиқ қилинади.

Кўргазмадаги ҳамма товарлар ҳам харидорларин эътиборини бир хилда ўзига тортмайди. Шу сабабли витрина маркази кучли ташвиқот қилиниши зарур товарларга ажратилиши керак. Бунда бўйсунуш қондасига амал қилиш талаб этилади.

Юқорида баён қилинган қоидалар витринада турли шаклдаги товарлар гуруҳини ташвиқот қилишда қўлланилади. Озиқ-овқат маҳсулотлари витринасини безатишда чизикли ва пирамида шаклида жойлаштириш кенг тарқалган. Витринада маҳсулотларни пирамида шаклида гуруҳлаш турли хилдаги консерваларни, сут маҳсулотларини, ичимликларни намойиш этишда фойдаланилади.

Товарларни чизикли гуруҳлаш ётиқ (горизонтал), тик (вертикал) ва елпигичсимон ҳолларда бажарилади. Товарларнинг ётиқ ҳолатда жойлаштирилиши витринанинг кенг кўриниш олишига ёрдам берса, тик ҳолатда жойлаштириш эса витрина баландлигини оширишга имкон беради. Елпигичсимон жойлаштириш кўп сонли товарлар нусхасининг ташвиқотига имкон яратади.

Чизикли гуруҳлашдан озиқ-овқат, бакколлик маҳсулотлари, мевалар, сабзавотлар, атторлик моллари, пойафзаллар ва шу каби маҳсулотлар витринасини безатишда қўлланилади. Ушбу гуруҳлашнинг қулайлиги шундаки, маҳсулотларни табиий ёруғлик кўп тушадиган витрина полида жойлаштириш имконияти мавжуд бўлади.

Ташқи кўриниши ва ўлчамлари турли хилдаги товарлар кўр-газмасини ташкил этишда ассимметрик мувозанат қоидаси асосида гуруҳлашдан фойдаланилади (тайёр кийимлар, бош кийимлар, пойафзаллар ва ҳоказо).



Дўкондаги бир нечта витриналарни бир-бирига композицион боғлаш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун ҳамма витриналарда такрорланувчи декоратив элементлардан ўринли фойдаланиш зарур.

ВИТРИНАЛАР КОНСТРУКЦИЯСИ

Жозибали ва амалий (фойдали) витрина экспозициясини таъминловчи муҳим шартлардан бири шиша витрина конструкциясининг тўғри танланганлигидир.

Ойнали витриналар ҳажмий-режавий ечими товарлар қўламини кўрсатишини таъминлаши, ҳамда турли маҳсулотларнинг жойлаштирилиши ва намойишига қулайлик яратиши, тарғиб

қилинаётган товарлар кўргазмасини тизимини алмаштириш ва янгилашга имкон яратиши лозим.



Витрина конструкцияси ундан фойдаланишни қийинлаштирмаслиги зарур.

Шиша ўлчамларини ҳисобга олган ҳолда товар экспозицияси аъло намойишига эришиш витрина кўргазмасини яратишнинг асосий шартидир.

Вертикал ва горизонтал переплет товар экспозициясига ҳа-
лақит бермаслиги керак, витрина пастки горизонтал переплёт
пол баландлигида, юқори переплёт эса йўлак сатхидан камида
2,5 м баландликда жойлаштирилиши тавсия этилади.

Шиша конструкцияси бўйича витриналар очик ва ёпик турда
бўлади.

Витриналар конструкцияси, ҳажмий-режавий ечимини савдо
корхонаси ўлчамлари ва ташвиқот қилинаётган товар характери
аниқлаб беради. Масалан: атторлик, заргарлик ва шу каби майда
ишлаб чиқариш маҳсулотлари одатда, ёпик витриналарда
намоиш этилади. Мебель, телевизорлар, радиоприёмниклар,
совутгичлар, кир ювиш машиналари ва шу турдаги йирик ўл-
чамли товарлар эса очик витриналарда ташвиқот қилиниши
мақсадга мувофиқдир.



Товарларнинг чиройли экспозициясини таъминловчи шарт-
лардан яна бири бу витрина кутиларининг меъёрий ўлчамларда
бўлиши ҳисобланади. Витрина юзасининг эни ҳам катта ахамиятга эга. Товарлар характерига қараб уларнинг эни қуйидагича
тавсия этилади:

- атторлик товарлари, китоб, пойафзаллар, хўжалик идиш то-
варлари, маданият товарлар витринаси эни 0,8-1,2 м.

- матолар, тайёр кийимлар, спорт товарлари витриналари эни
1,2-1,4 м.

- озиқ-овқат моллари витринаси эни камида 0,6-0,8 м.

Ташвиқот қилинаётган товар намоиши қулайлигини оширишда витрина полнинг баландлиги ҳам катта аҳамият касб этади.

Агар витрина поли йўлак баландлигида ўрнатилса, ойна тез ифлосланиб товарни қуришни кийинлаштиради. Қурилма йўлак сатҳидан анча баланд (0,8-1,2 м) да жойлашса ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Чунки бу 0,8-1,2 м баландликда фойдали кўриш майдони йўқолади.

Дўкон ихтисослигига қараб витрина поли йўлак сатҳидан 0,3-0,8 см баландликда ўрнатилиши тавсия этилади. Товар силжиб кетмаслиги учун улар қатъий горизонтал ҳолатда бўлиши керак.

Майда нарсалар харидорга пешвоз ҳолатда, кўз сатҳи баробари (1,2-1,5 м) да таъсирли кўриниш олади. Ҳақиқий ўлчамлиги манекенларда кийимларнинг намоиши йўлак сатҳидан 0,4 м баландликда ўрнатилган витриналарда кўрсатилгани маъқул.


Кўп ҳолларда дўкон қаршисидаги бинолар, дарахтлар ёки ҳаракатдаги транспорт воситаларининг акс тасвири витринага қўйилган товар намоишига ҳалақит беради. Бу ҳолатни бартаграф этиш учун витрина ойналари олдинга 12-15⁰ бурчак остида ўрнатилиши тавсия этилади.

ВИТРИНА АСБОБ-УСКУНАЛАРИ

Витрина композициясини безатишда қўшимча инвентарлардан фойдаланилади. Инвентарлар қуйидаги: енгил ва йиғма бўлиш, купол бўлмаслик, кўзга ташланмаслик каби асосий талабларга жавоб бериши лозим. Бу талаблар замирида ягона витринада ташвиқот қилинаётган товарлар тўсиб қўймаслик мақсади ётади.

Витрина инвентарлари манекенлар, ярим манекенлар, ҳаракатланувчи ташвиқот қурилмалари, ҳарёклама ва ихтисослашган таглик (подставка) ларда ифодаланади.

Манекен ва ярим манекенлар ёрдамида кийимлар, бош кийимлари, ич кийимлар, матоларни ташвиқот қилишда самарали усуллар амалга оширилади. Улар ёрдамсиз жуда моҳирона яратилган кўргазма ҳам маҳсулот фасони ва унинг бошқа хусусиятларини тўлиқ очиб бера олмайди.



Тайёр кийимларни манекенларда витринада ҳам, савдо залида ҳам намоиш қилиш мумкин.

Вазифаси жиҳатидан манекенлар аёл, эркек, ўсмир ва болалар, бадий ечими жиҳатидан ҳаққоний ва услублашган (стилизациялашган) турларга бўлинади.

Енгил, қулай ва мустаҳкам бюст-каракасларни нафақат полда, витринада, балки капрон иплар ёрдамида турли ракурсларда осилган ҳолда жойлаштириб, витрина композициясини бойитиш ва ҳар томонлама товар намоишини ташкил этиши мумкин.



Манекенлардан тематик витриналарда, маҳсулотларнинг дўкон ички намоишида, кийим кечаклар салони витриналарини безатишда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Динамик ҳаракатланувчи ташвиқот қурилмаларидан савдо залларида, витриналарда кийим кечакларни манекенларда намоиш қилишда фойдаланилади. Витрина қисмлари мураккаб ҳаракатини таъминловчи бир қанча ҳаракатланувчи қурилмалар мавжуд.

Тагликлар витрина инвентарлари орасида етакчи уринни эгаллайди. Уларнинг хилма-хил туралри мавжуд.





Тагликлар ўзида чиройли фактура, енгил ва нафис, қўлланмишда қулай ва ихчам сифатларни мужассамлаштирмоғи лозим. Бундай сифатларга эга тагликларни нафақат витриналарни безатишда, балки дўкон ичкарасида уюштириладиган ташвиқот кўргазмаларида ҳам кенг қўллаш мумкин. Экспозиция ўзининг юқори самарасига:

- экспонатга нисбатан умумий интерьер ҳажмининг композицион бўлиниши;
- умумий бадиий ечимнинг мазмуни ва образлилиги, эмоционал таъсирчанлиги;
- кўргазма муҳитининг мақсадли ташкил этилиши, унинг барча экспонатлар, меъморий композиция, ранг, ёруғлик билан самарали боғланиши;
- нарсалар фазовий муҳитининг унинг яратувчиси инсон билан ижтимоий алоқасини очиб бериши;
- ахборотларнинг шакли хизмат кўрсатишнинг тўғри ва қулай ташкил этилганлиги каби кўрсаткичлар орқали эришилади.

ВИТРИНАЛАРДА РАНГНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Экспозицияда ранг фазовий форманинг муҳим хусусияти ҳисобланади. Ранг туси қуюқлик ва теранлик каби омиллар билан характерланади. Рангни унинг туси, қуюқлигини унинг туйинганлик даражаси, теранлигини эса рангнинг ёрқинлиги ёки хиралиги белгилайди.

Қизил, сариқ ва кўк ранг асосий ранглاردир. Улар асосида аралашган – заргалдоқ (қизил билан сариқ бирикмаси), яшил (сариқ билан кўк бирикмаси) ва бинафша (қизил билан кўк бирикмаси) ранглари олинади.

Қизил, заргалдоқ, сариқ-иссиқ ранглари. Кўк, яшил, бинафша эса совуқ ранглари. Иссиқ ранглари қуюқ бўлиб совуқ рангларига нисбатан ёруғликни кўпроқ қайтаради.

Фазовий формалар элементлари қатори ранг бўйича ушта асосий йўналишда қурилиши мумкин.

Ахроматик ранглари қатори-оқдан қорагача бўлган чеграда.

Хроматик (спектр) ранглари қатори: иссиқ ранглари уйғунлигида (сариқ-заргалдоқ-қизил ва улар орасидаги ранглари); совуқ ранглари уйғунлигида (яшил-кўк-бинафша ва улар орасидаги ранглари); икки қўшимча ранглари чегарасида (кўк- зарғолдоқ, яшил-қизил, бинафша-сариқ).

Қўшимча ранглари спектр ранглари доирасида бир-бирига диаметр бўйича қарама-қарши жойлашади.

Экспозиция яратишда лойиҳачи-дизайнердан ранглари бирикмасининг асосий қоидаларини, принципларини билиш талаб этилади;

1. Ритм. Бир хил ранглари уйғунлигини маълум интервалда қўллаш натижасида экспозицияда ранг ёрдамида маълум ритм яратиш мумкин бўлади.

2. Баланс. Бунда ёрқин ранглари хира ранглари билан, тўқ ранглари оч ранглари билан, иссиқ ранглари совуқ ранглари билан тенг тақсимланиши мумкин.

3. Пропорция (мутаносиблик). Қўрғазма интерьерини маълум фазовий қисмини ёрқин рангга бўйган ҳолда иккинчи фазовий

қисмини хира рангга бўяш орқали бири-бирига мутаносиб боғланишни вужудга келтириш мумкин.

Ранглар контрасти эса экспозиция таъсирчанлигини ошириш имконини беради. Кескин фарқланувчи рангларни ёнма-ён жойлашиши уларнинг ёрқинлигини оширади.

Бундан ташқари материал факутураси ва ёрқинлиги орқали контрастга (кескин фарқлилиқ) эришиш мумкин.

Экспонантнинг маълум сифатларини намойиш қилиш учун ҳам контраст қўлланилиши мумкин.

Контраст томошабин эътиборини у ёки бу экспонантга йўналтиришга хизмат қилади. Ёруғ хонада инсон нигоҳи тўқ нарсага қаратилса, аксинча қоронғу хонада ёруғ нарсага тушади. Ранглар доғи даставвал ахроматик фонда эътиборни ўзига қўпроқ жалб этади.

Ранг экспозицияни лойиҳалашда томошабин кайфиятини белгиловчи, унинг эътиборини аниқловчи ҳамда композиция воситаси сифатида намоён бўлади. Муҳим экспонатлар гуруҳини намойиш қилишга ўраб турган муҳитда байрамона кўтаринкилик яратиш имконини беради.

ВИТРИНАЛАРНИ ЁРИТИШ

Кўргазма интерьерни композицияси ҳамда экспонатлар танлашиши қанчалик муваффақиятли бажарилмасин, ёруғлик безатиш компоненти сифатида иштирок этмас экан экспозиция талаб қилинган таъсирчанликка эриша олмайди. Намойиш қилинаётган товарлар барча сифатларини очиқ бериш томошабинлар эътиборини жамлаб экспонатларга нисбатан қизиқиш уйғотиш каби вазифаларни амалга оширишни ёритиш тизими яқунлаб беради.

Ёруғлик экспозицияни жозибдор кўрсатмоғи, унинг асосий гоёси, мазмунини очиқ бермоғи ва намоён қилмоғи зарур.

Табиий кундузги ёруғлик интерьернинг умумий ёритилганлик даражани таъминласада, ёруғлик манбаи сифатида иккинчи ўринга чиқади. Чунки, кундузги ёруғлик об-ҳавога боғлиқ ҳолда, кун давомида сезиларли даражада ўзгариб туради. Қиш мавсу-

мида у кўргазма экспонатлари ёритилишини кечки вақтларда таъминлаб бера олмайди. Фақатгина сунъий ёруғлик экспозицияга байрамона тус бериши, унинг мазмунини очиш воситаси сифатида намоён бўлиши мумкин.

Куннинг қайси вақти ва об-ҳавонинг ҳолатидан қатъий назар сунъий ёруғлик томошабин кайфиятига таъсир қилиши, эмоционал муҳит яратиши хусусиятига эга.

Экспозицияни ёритишнинг мақсади-маълум иқтисодий чегаралар доирасида ихтисослашган техник воситалар ва усуллар ёрдамида юсак намоёиш натижасига эришишдир. Ёруғлик намоёишни ташкил этиш воситаларининг ажралмас қисми ҳисобланади. Механик схемалар иштирокисиз ёритиш техник усуллари орқали экспозициянинг динамик бўлишига эришиш мумкин.

Кўргазма ва витриналарни ёритишда чуғланма лампа (лампа накаливания) ва люминесцент ёритиш (газ, суюқлик ёки каттик жисмнинг совуқ ҳолда нур сочиши)дан фойдаланилади. Бу икки турдаги ёруғлик манбалари бир-биридан спектрал характерлари, иқтисодий кўрсаткичлари, ўлчамлари, ёритиш қисмлари шакллари билан фарқланади.

Кўргазмани ёритиш лойиҳалашнинг илк босқичидаёқ ҳисобга олиниши керак. Дастлаб экспозицияни ёритишнинг умумий ғояси яратилади. Сўнгра ёртишнинг аниқ принциплари ҳамда асбоб ускуналари ишлаб чиқилади.

Экспонантлар фазосини ёритиш принципларини қуйидаги беш турга ажратиш мумкин.

1. Умумий ёритиш. Шифтда люминацент чироқлар ўрнатилади. Пол сатҳида бир меъёрмадаги ёруғлик шифтга яқин текисликларда эса нисбатан ёрқинроқ ёруғлик вужудга келтирилади.

2. Локал (чекланган) ёритиш. Шифтда ёруғликни йўналтирувчи чироқ ўрнатилади. Унинг нури битта ёки бир нечта экспонантларга эътиборни қаратди.

3. Умумлокал (умумий чекланган) ёритиш. Бунда экспозиция муҳити асосий қисмининг чекланган ёритилиши, шу билан бирга витринанинг умумий ёритилиши кўзда тутилади.


Бу усул кўргазмадаги кичик витриналарни ёритишда қўл келади. Кенг ёруғлик берувчи чироклар экспонантларнинг маълум қисмини ёритган ҳолда, бутун витринани ҳам ёритади.

1. Умумий + умумчекланган + чекланган ёритиш усули.

Комбинацияланган усулда экспонантнинг марказий қисми кўпроқ ёритилади. Юмшоқ, мўътадил ёйилган ва йўналтирилган нурлар экспонантларда керакли контраст ҳамда ярим сояларни яратиш имконини беради. Бундан ташқари амалиётда (рамповый) ёруғлиги фақат саҳнага тушадиган ёритишдан ҳам кенг фойдаланилади.

2. Ёрдамчи ёритиш. Юқорида санаб ўтилган усуллардан ташқари экспонатларни қўшимча ёритувчи (асосан рангли) усул ҳам мавжуд.

Агар кўргазма зали ўртага ёритилганлигини 1 ўлчов бирлигига тенг деб олинса, экспозициялар 1,5-2 ўлчов бирлигида, зал ичкараси фон экспозициялари 2-3 ўлчов бирликка тенг бўлиши керак. Кўргазма кириш зали эса 1,5-2 ўлчов бирлигида ёритилганлиги мақсадга мувофиқдир. Ёруғликнинг бундай тартибда тақсимланиши залдаги зерикарли бир хилликни бартараф этиб, томошабинларда маълум ритмик эмоционал ҳолатни ҳосил қилиб, уларнинг диққатини экспонатларга йўналтириш имконини беради.



ЛОЙИҲА ТАРКИБИ:

Витрина кўринишлари (олд профил, горизонтал, ён томон)
М1;

Витринани жойлаштириш, вариантлари М1;

Витрина яққол тасвири перспективаси ёки макети.

ЛОЙИҲА МАВЗУЛАРИ

1. Дўконлар витринаси (Тақинчоқлар);
2. Музейлар витринаси;
3. Кўргазмалар витриналари;
4. Дорихона витринаси.

Мундарижа

ВИТРИНА ЛОЙИҲАСИ	2
ВИРТИНА	3
Товар белгилари бўйича витриналар	4
Безатиш характери бўйича витриналар	9
Безатиш техник воситалари бўйича витриналар	13
Жойлашиш ўрнига қараб витриналар	13
ВИТРИНА КОМПОЗИЦИЯСИ	16
ВИТРИНАЛАР КОНСТРУКЦИЯСИ	18
ВИТРИНА АСБОБ-УСКУНАЛАРИ	21
ВИТРИНАЛАРДА РАНГНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ	26
ВИТРИНАЛАРНИ ЁРИТИШ	27

Қоғоз бичими А-4, қайд № _____

Адади: 50, ҳажми 2,2 б.т.

СамДАҚИ босмахонасида чоп этилди.

